



No'kis q. A.Dosnazarov k. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-95-20,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

«28» апрель 2021 ж.

03-03/01- 2222 - санлы

Барлық қала хәм районлық
халық билимлендириў бөлими
баслықларына сондай-ақ,
республикалық бойсыныўдағы
билимлендириў мәкемелери
директорларына

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги Сизден, Хорезм ўалаяты Ишки ислер басқармасы кәўипсиз туризмди тәмийинлеў басқармасының 2021-жыл 23-апрельдеги “Мектеп оқыўшылары арасында кәўипсиз туризмди шөлкемлестириў туўралы” 12/218-санлы усыныс хатында белгиленген талаплардың орынланыўына әмел етиўиңизди сорады.

(Усыныс хаты қоса тигиледи).

Министр орынбасары

Ш.Гаджимуратов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

XORAZM VILOYATI ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI

XAVFSIZ TURIZMNI TA'MINLASH BOSHQARMASI

220100, Urganch shahri, Y.Bobojonov ko'chasi, 14-uy.

12/ 213

2021 йил «13» апрель

**Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазири**

Р. Реимовга

**Хоразм вилояти халқ таълими
бошқармаси бошлиғи**

Х.Бектемировга


Маълумот учун: **Хоразм вилояти ҳокими
ўринбосари**

Б.Саидовга

Ҳозирда сайёҳлик мавсуми бўлганлиги сабабли асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари “Ичон қалъа” давлат музей кўриқхонасига сайёҳатга 4 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари автобус ва микро автобусларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб келмоқда.

Вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларининг хизмат фаолияти давомида айрим ҳолларда мактаб ўқувчилари томонидан сайёҳат давомида карантин талабларига зид равишда тиббий ниқоб такмаслик, ижтимоий масофани сақламаслик, ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаш, селфига ёки фотосуратга тушиш мақсадида музей кўриқхонасининг деворларига белгиланмаган жойларидан чиқиши натижасида лат ейиш шунингдек, ўз гуруҳларини йўқотиб қўйганлиги сабабли ваҳимага тушиб йиғлаш (асосан 13 ёшдан кичиклар) ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилмоқда.

Келгусида шу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида Сиздан, “Ичон қалъа” давлат музей кўриқхонасига сайёҳатга келаётган мактаб ўқувчилари билан карантин талабларига қатъий риоя қилиш, ахлат ёки бошқа нарсаларни ташламаслик, белгиланмаган жойлардан музей кўриқхонасининг деворларига чиқмаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилишини, шунингдек, ўқувчилар билан боғлиқ йўл



транспорт ходисаси содир этилишини олдини олиш мақсадида автобус ва микроавтобусларда сайёҳатга келаётган ўқувчиларни белгиланган тартибда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатувида олиб келинишини таъминлашингизни сўраймиз.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда зарурий чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳамда ўз гуруҳларини йўқотиб қўйган ўқувчиларнинг гуруҳ раҳбарлари билан боғланиш мақсадида музей кўриқхонасига сайёҳатга келаётган ўқувчиларнинг сони, мактаб номи, рақами ва сайёҳат давомида гуруҳга масъул бўлган вакилнинг фамилияси, исми, шарифи ва телефон рақами тўғрисидаги маълумотларни сайёҳат кунидан 2 кун олдин вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасига факс (62-220-44-08) орқали ёки электрон кўринишда (+998977928702 телеграм рақамига ва xttb-xorazm@exat.uz) тақдим қилинишини таъминлашингизни сўраймиз.

Вилоят ИИБ бошлиғи
ўринбосари



М.А.Атабаев